

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Г.А. Мирсалихова

Тезкор қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

Подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568524>

Аннотация. Мақолада вояга етмаган шахслар томонидан Республика миқёсида содир этиладиган жиноятчиликнинг таҳлили, Ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган вояга етмаганларларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашда вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминланиш ҳолати ва унинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: вояга етмаган шахс, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, айб, жабрланувчи, гумонланувчи, эҳтиёт чораси, жиноий жазо, жамоат таъсири.

Бугунги кунда Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсир-чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар шахсан давлат раҳбарининг назоратида эканлиги, барчани бирдек ўз вазифасини виждонан ва сидқидилдан бажаришга ундайди. Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур. Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз” [1] - деган фикрлари орқали Республикаимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланишини кузатиш мумкин.

Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга қарамасдан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сезиларли даражада камаймасдан қолмоқда.

Хусусан, 2021 йил 12 ойида 2 595 нафар вояга етмаганлар томонидан 2 262 та жиноятлар содир этилган. Маълумот учун: 2020 йилга нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 1 128 тага ёки 99 фоизга

(1 134/2 262), жиноят содир этган вояга етмаганлар 1 019 нафарга ёки 103 фоизга (1 276/2 595) ошган[2].

Мазкур жиноятларнинг 60 фоизи (1 367) мулкый турдаги жиноятларни ташкил этиб, деярли ҳар иккинчи жиноят (971) кўча ва жамоат жойларида содир этилган.

Маълумот учун: Вояга етмаганлар томонидан 9 та қотиллик, 79 та оғир тан жароҳати етказиш, 19 та номусга тегиш, 24 та босқинчилик, 112 та талончилик, 141 та фирибгарлик, 1 081 та ўғирлик, 18 та транспорт воситасини ҳайдаб қочиш, 173 та безорилик содир этилган.

Жиноят содир этиш жойлари бўйича 629 таси хонадонларда, 101 таси бозорларда, 30 таси ҳиёбонларда, 960 таси бошқа жамоат жойларда, 78 таси таълим муассасаларида, 464 таси бошқа ҳудудларда содир этилган.

Энг ачинарлиси, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 2 131 нафари ёки 82 фоизи ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари (1 855 – мактаб, 276 – лицей ва коллеж) ўқувчиларини ташкил этган[3].

Тахлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш фаолиятида керакли натижаларга эришилмаган, ёки фаолият самарадорлиги етарли эмас. жиноятларини тергов қилиш методикасининг ривожланиш тарихи етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Президентимиз Ш. Мирзиёев ўзининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки даврларидан бошлаб Республикамизда вояга етмаганлар жиноятчилигига алоҳида эътибор қаратдилар. 2017 йил 9 август куни Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, иқтисодий эркинлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, давлат раҳбарининг жойларда халқ билан мулоқотлари чоғида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига бағишланган селектор йиғилишида “барча ҳудудларда, ҳар бир маҳалла ва оилада маънавий муҳитни яхшилаш мақсадида уйма-уй юриш ва бунга кенг жамоатчиликни жалб этиш юзасидан янги иш услублари жорий этилганига қарамай, ҳали кутилган натижаларга тўлиқ эришилгани йўқ. Масалан, Фарғона вилоятида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ўсган. Умуман, ўтган 7 ой мобайнида вилоятда вояга етмаганлар томонидан 129 жиноят содир этилган. Вилоятнинг 10 шаҳри ва туманида вояга етмаган болаларни уйда яширинча диний ўқитиш ҳолатлари аниқланган”лигини таъкидлаб [4], бу борада ҳар бир масъул идора ва ташкилот ўз олдида аниқ мақсад ва қвазифа қўйган ҳолда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида ишларни жонлантириш ва керакли самарадорликка эришиш юзасидан топшириқ қўйган эдилар. Ўтган давр мобайнида бу борада амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда, аммо жамиятда ривожланиш ва тараққиётнинг янги босқичлари намоён бўлиши билан бирга вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ҳам янги турлари ва кўринишлари пайдо бўлмоқда.

Шу боис бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликка қарши курашишнинг янги, самарали усул ва кўринишларини намоён этиш зарурати юзага келди. Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда давлатмизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим устивор мақсад

сифатида белгиланган бир даврда вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга баҳо беришда, улар томонидан содир этилаётган жиноятларга варши курашиш ва унинг олдини олишда инсонпарварлик принципларини таъминлаш энг биринчи вазифа сифатида қаралиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида фикр юритганда, уларнинг жамиятда ижтимоий муносабат иштирокчиси сифатидаги барча жабҳаларда ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурлигини айтиб ўтиш лозим. Бу борада А.А. Таштемиров “ёшларда, энг аввало, умумтаълим муассасалари ўқувчиларида йўл ҳаракати доирасида зарур билимлар, ўқувлар, хавфсиз ва қонунга итоат қилиш хулқ-атвори кўникмаларини шакллантириш”[\[5\]](#) зарурлигини таъкидлайди.

Чунки, ҳуқуқий маданияти шаклланган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш ҳуқуқбузарлик эканлигини англаб етган шахс жумладан ёш авлод вакили ҳам жамиятда юриш туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга интилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган вояга етмаганларларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш фаолияти, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминланишига ҳуқуқий баҳо беришда муҳим аҳамияга эга ҳисобланади. Агар асоссиз қўлланилганда айбланувчининг кейинчалик қамоқдан озод этилиши жамоат фикрини янада кучлироқ ғазаблантириши мумкин. Жамоат фикри ва жабрланувчиларни тинчлантириш эҳтиёт чораларининг мустақил мақсади сифатида қаралиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда асосларида эҳтиёт чораларини қўллашнинг мақсад ва асослари универсал, яъни айбланувчини озодликдан маҳрум этиш билан боғланмаган чораларга ҳам татбиқ этилади. Бу борада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш томонларни О.Д.Алланазаров ўзининг илмий изланишида батафсил ёритган[\[6\]](#).

Эҳтиёт чорасини қўллаш учун ҳақиқий асослар мавжуд бўлган тақдирда терговчи, суриштирув органи ва суд эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақлигина бўлмай, мажбур ҳамдир.

Эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида, уни қўлловчи орган вакиллари бир қатор ҳуқуқий шартларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш фақат жиноят иши қўзғатилган ишлар бўйича танланиши мумкин. Бу-шахсни асоссиз, ўзбошимча қамашлардан ва бошқа мажбурлаш чораларидан ҳимоя қилади, унинг дахлсизлиги кафолатлайди. Вояга етмаганларга нафақат қамоққа олиш, балки бошқа эҳтиёт чоралари ҳам, яъни муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, шахсий ва жамоат кафиллиги ва бошқалар агар жиноят иши қўзғатилмаган бўлса, қўлланиши мумкин эмас.

Эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчига таҳдид солаётган жиноий жазодан қаттиқроқ бўлиши мумкин эмас. Агар айбланувчига нисбатан жазо бериш учун қўлланадиган жиноят кодексининг моддаларида уч йилгача муддатга озодликдан

махрум этиш назарда тutilмаса, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашга рухсат берилмайди[7]. Қонун ушбу қоидадан истисноларнинг мумкинлигига йўл қўяди, фақат қонун мазкур жиноят учун озодликдан маҳрум этиш кўринишида жазони назарда тутадиган ҳоллардагина, агар жазо сифатида озодликдан маҳрум этишнинг тайинланиши мумкин бўлмаса, мазкур истисно қўлланмайди, яъни бундай барча ҳолларда қамоққа олишга қараганда енгилроқ эҳтиёт чораси танланиши керак. Тергов ёки судда айбланишнинг юридик томони ўзгарганида ҳар гал эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласини ҳам муҳокама қилиш зарур, токи у янги айбловга мувофиқ бўлсин.

Вояга етмаган айбланувчи сифатида жалб этиш ҳар қандай турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш шартли ҳисобланади. Қонун ҳужжатларидан суднинг жиноят ишини қўзғайдиган янги шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқини олиб ташлаш мақбул бўларди. Бундай шахслар айбланувчи ҳисобланмайди, чунки уларга нисбатан айбланувчи сифатида жалб этиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилмаган, уларга айблов тақдим этилмаган ва улар айбланувчи сифатида сўроқ қилинмаган. Модомики, айблов мавжуд эмас экан, эҳтиёт чораси ҳам қўлланмаслиги керак.

Аниқ шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиб, суд бу билан уни айбланувчи сифатида жалб этади ва мазкур ҳолда ҳам эҳтиёт чораси айбланувчига қўлланади деган нуқтаи назар мавжуд

Қонуннинг бундай талқинига қўшилиб бўлмайди. Судга айблаш функцияси юкланмаган ва судга фуқароларни айбланувчи сифатида жалб этиш ҳуқуқини бериш нотўғри бўларди.

Моҳиятан айтиб ўтиш мумкинки, икки мустақил эҳтиёт чораси кўзда тutilган: 1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, хомийларига кузатув остига олиш учун топшириш ва 2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмуриятига кузатув остига олиш учун топшириш. Бир вақтнинг ўзида уларнинг иккиси ҳам қўлланилмайди.

Вояга етмаганларни кузатув остига олиши учун топширишда ота-оналари, васийлари, хомийлари ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор хузурига ва судга ўз вақтида келишини ва уни муносиб хулқ атворда бўлишини таъминлаш ҳақида ёзма равишда мажбурият олинади.

Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар вояга етмаган айбланувчига эълон қилинган айбловнинг моҳияти ҳамда айбланувчини тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмаслиги ҳолатида жавобгарлиги ҳақида огоҳлантириладилар (ЖПК 556-моддаси 1-қисми).

Вояга етмаганни муносиб хулқ-атворини ва уни чақирувларга биноан келишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган болалар муассасалари маъмуриятларининг жавобгарлиги тўғрисидаги муаммога эътиборни қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Қонуннинг (ЖПК 556-моддаси) мақсадига кўра, болалар муассасасида тарбияланаётган айбланувчини кузатув остига олиш ҳақидаги ёзма мажбурият ушбу муассаса раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган маъмуриятнинг бошқа вакиллари олинади.

Болалар муассасаларининг ўз зиммасига олган мажбуриятни бузганлиги учун жавобгарлик ЖПКнинг 556-моддасида белгиланмаган. Бу баъзи муаллифларни кузатувга олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган болалар муассасаларининг маъмуриятлари жавобгар бўлмайти деган хулоса чиқаришига олиб келади.

Маъмуриятнинг кузатувга олиш бўйича мажбуриятни бажармаган шахсларига нисбатан тергов органи тақдимномасига ёхуд суднинг хусусий ажримига мувофиқ интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Ёпиқ болалар муассасасида тарбияланаётган вояга етмаган томонидан жиноят содир этилиши, узлуксиз тарбия жараёнида йўл қўйилган хатолар, у билан етарли даражада индивидуал тартибда шуғулланилмаганлигидан далолат беради. Бу кўрсатилган муассаса маъмуриятини вояга етмаганга нисбатан уни муносиб хулқ атворда бўлишини таъминлайдиган янада самаралироқ таъсир этиш воситаларини қидиришга ундаши лозим. Бундай таъсир чораларини, маъмурият кузатуви остига олиши учун берилган вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўллаш зарур. Агар маъмурият томонидан айбланувчини хулқини назорат қилиш бўйича хизмат бурчини тегишли бажармаслик оқибатида айбланувчи процессуал хуқуқбузарлик содир нисбатан интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юридик адабиётдаги «вояга етмаганни кузатув остига олиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш имконияти хақидаги масалани хал этиш болалар муассасасини илмий-тарбиявий кенгаши, тарбияланувчилар йиғилиши ва бошқаларга тегишли» деган фикр тўғри. Бундай тартиб жиноят содир этган тарбияланувчисини муносиб хулқ атворини таъминлаш бўйича маъмурият, тарбиячилар, педагогларнинг жавобгарлигини оширади. Бу ўз навбатида нафақат айбланувчига, балки болалар муассасасида тарбияланаётган, маънавияти энди шаклланаётган бошқа вояга етмаганларга ижобий тарбиявий таъсир ўтказишга хизмат қилади.

Бу борада таклиф сифатида ЖПКнинг 239-моддаси 1-бандига қуйидагича қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди: «Эҳтиёт чораси шахсга фақат айблов эълон қилингандан кейин ва у айбланувчи сифатида сўроқ қилингандан сўнг қўлланиши мумкин». Бундай қўшимча эҳтиёт чораси масаласини хал этиш чоғида айбланувчининг важларини ҳисобга олиш, эҳтиёт чораларини, айниқса қамоққа олишни нотўғри қўллашга йўл қўймаслик ва қамаш муддатини айбланувчи амалда қамоққа олинган пайтдан бошлаб ҳисоблаш имконини берган бўларди. Таклиф этилаётган қоидадан фақат айбланувчи терговдан яширинган ва уни қидириш эълон қилинган бир қатор ҳоллар учун битта истисно қилиниши лозим. Ушбу ҳолларда эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарор айблов эълон қилиниши ва айбланувчи сифатида шахсни сўроқ қилишдан олдин чиқарилиши мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

2. ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йилдаги маълумотлари.
3. ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йилдаги маълумотлари.
4. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг **Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектордаги маърузаси**. 09.08.2017 й. <https://president.uz/uz/lists/view/882>.
5. Таштемиров А. А. Ёулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
6. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2022. – 54 б.
7. Рамазонова Н.А. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2019. – 49 б.
8. Даниленко И. А. Обстоятельства, подлежащие установлению при производстве по уголовным делам в отношении несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2004. – 21 с.